

Диққат! “Авто 60-ой” МЧЖдан “шув” тушганларга пуллар қайтарилимоқда



Image not found or type unknown

“Авто 60-ой” МЧЖ мансабдор шахслари Ж.Баходиров ва бошқаларнинг жиноий ҳаракатлари натижасида жабр кўрган фуқароларга етказилган моддий заарарларни қоплаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Мажбурий ижро бюроси ходимларидан иборат таркибда Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳар ва вилоятларда ишчи гуруҳлар ташкил этилди.

Ҳозирда ишчи гуруҳларга 2.144 нафар фуқаро мурожаат қилиб, ўзларига тегишли ҳисоб рақамлар хақидаги маълумотларни тақдим қилишган.

Шунингдек, моддий заарни қайтариш масаласида мурожаат этмаган фуқароларимизга ҳудудларда ташкил этилган ишчи гуруҳларга мурожаат қилишлари ва етказилган заарлар қисқа муддатда уларнинг ҳисоб рақамларига ўтказилишини эслатиб ўтамиш.

Шу сабабли, жамиятдан жабр кўрган фуқароларимизнинг аксарияти туманларда яшашлигини инобатга олиб, уларга янада қулайлик яратиш ва ортиқча оворагарчиликларнинг олдини олиш мақсадида, шахсини тасдиқловчи ҳужжатлар (фуқаролик паспорти) ҳамда пластик карточкалари билан Мажбурий ижро бюросининг туман (шаҳар) бўлимларига (душанба-жума кунлари соат 09-00 дан 18-00 га қадар) мурожаат қилишлари сўралади.